

## № 51098 -сонли пудрат шартномаси

31 октябр 2022 йил

Жиззах шаҳри

«EL RAVNAQIGA HISSA» МЧЖ номидан Устав асосида фаолият юритувчи жамият раҳбари К.Мардиев ва Сирдарё-Зарафшон ИТХБ раҳбари Турдибоев. М мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

### 1. Шартнома предмети

1.1. Иш ва хизматни бажарувчи ўз зиммасига буюртмачининг топширигига кўра мазкур шартноманинг 1.2.-бандида кўрсатилган ишларни бажариш ва унинг натижасини буюртмачига топшириш мажбуриятини олади. буюртмачи эса ишларнинг натижасини қабул қилиб олиш ва бунинг учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Иш ва хизматларни бажарувчи кейинги ўринларда "Ишлар" деб аталадиган қуйидаги ишларни олади Сирдарё-Зарафшон ИТХБ **биносини жорий таъмирлаш**

Кўрсатилган ишларни бажариш учун буюртмачи 2022 йил " 05 " ноябрь кадар иш ва хизматни бажарувчига зарурий лойиха-смета ҳужжатлари, техник шартлар тақдим этиш мажбуриятини олади.

1.3. Иш ва хизматларни бажарувчи ишларни ўзининг материалларидан, ўзининг асбоб-ускунасида ва ўзининг инструментлари билан бажаради.

1.4. Ишларни бажариш муддати: Буюртмачи томонидан дастлабки 30% аванс маблағи ажратилган кундан бошлаб 3 кун ичида амалга оширади.

1.4.1. Ишлар буюртмачи ёки унинг ваколатли вакили томонидан ишларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзолангандан кейин бажарилган деб ҳисобланади.

### 2. Мажбуриятларнинг бажарилиши муддати

2.1. Буюртмачи пудратчига шартнома умумий қийматининг 30 % миқдоридан бунақ туловларини амалга оширади. Ишларни қабул қилишда аниқланган нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилгандан сўнг буюртмачига бажарган ишлар учун охириги, узил-кесил, ҳисоб-китобни амалга оширади.

2.2. Мазкур шартнома томонлар томонидан тасдиқлашиб Газначиликда руйхатдан утган вақтдан бошлаб кучга кириши ва 2022 йил 31 декабр гача амал қилади.

### 3. Тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. Пудратчининг мажбуриятлари:

3.1.1. Ишларни лозим бўлган сифатда бажариш.

3.1.2. Ишларни мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддатда бажариш.

3.1.3. Объектга лойихага биноан зарур бўлган материалларни, конструкцияларни, бутловчи ашёларни етказиб бериш ва уларни қабул қилиш, тушириш, тахлаш ҳамда сақлашни амалга ошириши;

3.1.4. Ушбу шартнома бўйича ишларни бажариш учун жалб қилинадиган махсус ташкилотлар билан субпудрат шартномаларини тузгани турғисида буюртмачига ахборот бериши ва у томондан ишларнинг бажарилиши юзасидан назоратни таъминлаши;

3.1.5. Ишларнинг натижасини буюртмачига топшириш.

3.1.6. Агар пудратчи ишларни бажариш жараёнида шартнома шартларидан ишларнинг сифатини ёмонлаштиришга олиб келадиган четга чиқишга йўл қўйган бўлса, буюртмачининг талабига биноан аниқланган барча камчиликларни 10 кун ичида текинга бартараф этиш.

3.1.7. Техника хавфсизлиги, ёнгин хавфсизлиги ва объектни кўриклаш бўйича зарурий чора-тадбирларнинг бажарилишини таъминлаши;

3.1.8. Ишларни шахсан бажариш.

#### 3.2. Пудратчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.2.1. Буюртмачи томонидан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳақ тўлаш мажбурияти бажарилмаганда, пудратчи ишларнинг натижасини ушлаб туриш ҳуқуқига эга.

#### 3.3. Буюртмачининг мажбуриятлари:

3.3.1. Пудратчидан ишлар тугалланганлиги ҳақида хабарнома олгандан кейин 5 кун ичида ёки мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган муддат тугаганда, ишларнинг натижасини кўриб чиқиш ва қабул қилиш, ишларнинг натижасини ёмонлаштирадиган шартномадан четга чиқишлар ёки ишлардаги бошқа камчиликлар аниқланганда, булар ҳақида пудратчига дарҳол хабар бериш.

3.3.2. Ишларнинг натижаларини қабул қилган пайтдан мазкур шартноманинг 3-бандида кўрсатилган ҳисоблашишлар тартиби бўйича ишлар учун ҳақ тўлаш.

#### 3.4. Буюртмачи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

3.4.1. Ҳар қандай вақтда пудратчининг фаолиятига аралашмаган ҳолда у томонидан бажариладиган ишларнинг бориш жараёни ва сифатини текшириш.

3.4.2. Буюртмачи иш натижаси ўзига топширилгунга қадар истаган вақтда шартномадан воз кечиб, белгиланган баҳонинг буюртмачи шартномани бажаришдан воз кечганлиги турғисидаги хабарнома олингунга қадар бажарилган ишлар қисмига мутоносиб қисмининг пудратчига тўлаш. Бунда буюртмачи пудратчига шартноманинг бекор қилиниши туфайли етказилган зарарни бажарилган ишнинг баҳоси билан ҳамма иш учун белгиланган баҳо ўртасидаги фарқ доирасида тўлаши ҳам шарт.

### 4. Шартноманинг баҳоси ва ҳисоблашишлар тартиби

4.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 499 300 000 (Турт юз туксон туккиз миллион уч юз минг) сумни ташкил қилади.

4.2. Буюртмачи томонидан пудратчига шартнома баҳосини тўлаш бажарувчининг мазкур шартномада кўрсатилган ҳисоб-китоб ҳисобварағига пул маблағларини кўчириш йўли билан амалга оширилади.

## 5. Тарафларнинг жавобгарлиги

5.1. Пудратчи мазкур шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ишларни бажариш муддатини бузганлиги учун буюртмачига кечиктирилган кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар баҳосининг 50 фоиздан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

5.2. Бажарилган ишлар ҳақини ўз вақтида тўламаганлик учун буюртмачи пудратчига ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4 фоизи миқдорига, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорига пеня тўлайди.

5.3. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлик чоралари Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амал қилувчи фуқаролик қонунчилиги меъёрларига мувофиқ қўлланади.

5.4. Неустойка тўлаш тарафларнинг улар олдида турган мажбуриятларини бажаришдан ёки шартларнинг бузишини бартараф этишдан озод этмайди.

5.5 Буюртмачи билан пудратчи ўртасидаги ташкилий ишлар ҳаражати пудратчи томонидан қоплаб борилади

## 6. Форс-мажор ҳолатлари

6.1. Ҳеч бир тараф иккинчи тараф олдида ўзига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра ва енгиб бўлмас куч мавжуд бўлган тақдирда ушбу шартномада кўрсатилган мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас. (Уруш тўлон қилиниши ёки бошланиши, фуқаролар тартибсизлиги, эпидемия, эмбарго, ер қимирлаши, сув тошқини, ёнгин ва бошқа табиий офатлар шулар жумласидандир.)

6.2. Бартараф қилиб бўлмайдиган қучларнинг мавжудлиги ёки амалда давом этаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг шунга оид қарорлари ёки бошқа ваколатли органлар томонидан берилган гувоҳномалари унинг етарли даражадаги тасдиғи бўлиб ҳисобланади.

6.3. Ўз мажбуриятини бажармаган тараф шартнома бўйича мажбуриятни бажаришга унинг таъсир кўрсатиши ёки монелик қилиши тўғрисида бошқа тарафга имкон қадар тезда хабар бериши лозим.

## 7. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Мазкур шартномани бажаришда юзага келадиган низолар ва келишмовчиликлар тарафлар ўртасида имкон қадар музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.2. Низоларни тарафларнинг музокаралари йўли билан ҳал этиш имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар келишмовчиликларни бартараф этиш борасида қонунчиликда кўзда тутилган судгача бўлган жараёнларни амалга оширилганларидан сўнг уларни Жиззах шаҳрида жойлашган Жиззах туманлараро иктисодиёт судида кўриб чиқишга топширадilar.

## 8. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тартиби

8.1. Ушбу шартномага ҳар қандай киритилган қўшимча ва ўзгартиришлар ёзма равишда расмийлаштирилиб, ҳар иккала тараф имзолангандан сўнг ҳақиқий кучга эга бўлади.

8.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилиш тарафларнинг келишуви бўйича ёхуд Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Фуқаролик кодекси ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича, етказилган зарарларни қоплаш билан амалга оширилиши мумкин.

8.3. Буюртмачи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Пудратчининг айби билан ишларнинг боришини суесткашлик билан тўхтатиб турилиши, яъни ушбу шартномадаги ишларнинг тамом бўлиш муддати бир ойдан кўпга ошиб кетганда;

-Пудратчининг шартнома шартларини бузиши натижасида лойиҳада кўрсатилган ишларнинг сифати пасайганда.

8.4. Пудратчи қўйидаги ҳолларда шартномани бекор қилишга ҳақли:

-Буюртмачи томонидан пудратчига боғлиқ бўлмаган сабаблар бўйича қурилиш-монтаж ишларининг боришини бир ойдан ошадиган муддатга тўхтатиб турганда;

-Буюртмачи томонидан кейинчалик ишларни молиялаш имконияти йўқотилганда.

8.5. Буюртмачи ва пудратчининг биргаликдаги қарори бўйича шартнома бекор қилинганда, буюртмачига тугатилмаган қурилиш топширилади, буюртмачи эса пудратчига улар томонидан аниқланган бажарилган ишларнинг ҳажми қийматини тўлайди.

8.6. Шартномани бекор қилишга қарор қилган тараф бошқа тарафга ёзма хабарнома юборади.

## 9. Коррупцияга қарши қўшимча шартлар

9.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

9.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини таъминлайдилар.

9.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига порасий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (қалажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди. Тарафлар, улар томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пудратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

9.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл қўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солиқ солиш, божхона расмийлаштирувини амалга ошириш, судда иш қўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга ҳилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига



ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга ҳилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жинсий фаолиятдан олинган даромад эъқалиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл ҳусусиятини, манбаини, турган жойини тасарруф этиш, қўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик ҳуқуқларини ёки унинг қимга қарашлилигини яширишига; в) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик содир қилиш учун таъмағирлик қилиш, ундаш, тазйик ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

9.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказишда битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришда, лицензия, руҳсатномалар ва бошқа руҳсат этиш ҳусусиятига эга бўлган ҳужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини қўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пудратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳуқуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл қўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни фақат тарафларнинг оддий қишлоқлик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонуңчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан аёссиз равишда ортқича тўловларни амалга оширмаслик.

9.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиладиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганлиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганлиги учун уларга тазйик ўтказилмаслигини қафолатлайдилар.

### 10. Яқуний қондалар

10.1. Мазкур шартномага киритиладиган ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар, улар фақат ёзма шаклда тузилиб, тарафларнинг бунга ваколатли вакиллари томонидан имзолангандан сунг ҳақиқий ҳисобланади.

10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилди. Иккала нусха айнан бир хил ва тенг кучга эга. Тарафларнинг ҳар бирида мазкур олади шартноманинг бир нусхаси мавжуд.

10.3 Шартномага илова Губоҳнома ва паспорт нусха.

### 11. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари: «Ижрочи» «Буюртмачи»

«EL RAVNAQIGA HISSA» МЧЖ

Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари

(етказиб берувчининг (пудратчининг) номи)

Манзил: Жиззах ш. III. Рашидов куча №14  
Тел./факс +99897 329 79 99  
(х/в ёки ш/х) 20208000800744666001  
Банк номи: Тошкент ш. Туронбанк АТ  
Банкнинг бош офиси  
ИНН: 304514353  
МФО: 00446  
ОКОНХ: \_\_\_\_\_

Хавза бошқармаси

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI SUV KO'CHASI  
SIRDARYO-ZARAFSHON IRRIGATSIYA TIZIMLARI HAVZA BOSHQARMASI


Манзил: Жиззах шаҳар А. Навоий маҳалласи Бешқувур кўчаси 56-уй  
Тел./факс: (0372) 226-91-04 E-mail: sz.havza@minwater.uz  
STIR: 305 976 653 IFUT: 01613

Банк номи: ОАЖ "Byudjet" 100 021 860 084 017 042 402 170 001  
Ташкилот: ШХВР: 400 121 860 084 017 042 402 170 003  
OKONX: Iqsh: 770, ekpo: 27339198, soogu: 04043, soato: 178401, mshl: 200

МФО: MOLYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIGI YAGONA G'AZNA VARAQI  
xlr: 23402000300100001010 STIR: 201122919  
\* KIM Markaziy bank Toshkent sh. B.B. MFO: 00014


  
К. Мардиев  
(имзо) (Ф.И.Ш)

  
Турдибоев.М  
(имзо) (Ф.И.Ш)

Хуқуқшунос:   
Д. Гурбунов  
(имзо)

Губ-ма № 007260  
(Ф.И.Ш)





YURIDIK SHAXSNI DAVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZISH TO'G'RSIDA

# GUVOHNOMA

Reestr № 782Guvohnoma № 547

2017 yil « 06 » yanvar

Mazkur guvohnoma Jizzax shahar hokimligi huzuridagi tadbirkorlik sub'yektlariga davlat xizmatlari ko'rsatish yagona darcha markazi tomonidan yuridik shaxs

"EL RAVNAQIGA HISSA"

ga berildi.

Tashkiliy-huquqiy shakli:

xususiy korxon

TSHST (ОПФ)

110

Mulkchilik shakli:

xususiy

MSHT (ФС)

114

Davlat ro'yxatidan o'tgan kundagi poqchta manzili:

Bunyodkor am-si Bolazor t.uy

MHBT (COATO)

1708401

Yuridik shaxs kodi:

KTUT (OKPO)

26764060

Asosiy faoliyat turi:

Qurilish ta'mirlash faoliyati

XXTUT (OKOHX)

42990

Soliq to'lovchining identifikatsiya raqami:

STIR (ИНН)

304 514 353

Qo'shimcha ma'lumotlar:



Vakolatli organ rahbari:







## Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 167092 на приобретение Сирдарё-Зарафшон ИТХБ биносини жорий таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 27.10.2022

Время рассмотрения 27.10.2022 15:57

Закупочная комиссия Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари хавза бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

<b>Председатель комиссии</b>	SUYAROV UMIDJON MAXMUD O'G'LI	Бошлиқ ўринбосари	Сирдарё-Зарафшон ИТХБ
<b>Секретарь комиссии</b>	SHARIFOV SHAHZOD SHAVKAT O'G'LI	Курилиш бўлим бошлиғи	Сирдарё-Зарафшон ИТХБ
<b>Член комиссии</b>	MIRTOZAYEV SHOXRUXBEK BOTIR O'G'LI	ДХШ бўлим бошлиғи	Сирдарё-Зарафшон ИТХБ
<b>Член комиссии</b>	JURAYEV SARDOR SANAQUL O'G'LI	Автогараж бошлиғи	Сирдарё-Зарафшон ИТХБ
<b>Член комиссии</b>	SATTAROV OLIMJON ALLABERDIYEVICH	Иқтисодчи	Сирдарё-Зарафшон ИТХБ
<b>Член комиссии</b>	RAXIMOV SHOXRUX NURIDDIN O'G'LI	Хўжалик мудир	Сирдарё-Зарафшон ИТХБ

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 27.10.2022 года № лота 167092.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

<b>Наименование товара (работы, услуги)</b>	<b>Услуга по текущему ремонту нежилых зданий</b>
Подробное описание	Жиззах шаҳри Бешкувур кўчасида жойлашган Сирдарё-Зарафшон ИТХБ биносини жорий таъмирлаш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	499 932 213.00
Стартовая сумма	499 932 213.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 курилиш пудрат корхонасининг ишчи ва хизматчилар иш малакаси ва иш стажлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: my.mehnat.uz сайтидан олинган маълумот

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
EL RAVNAQIGA HISSA XK	20	my.mchna.uz сайтидан олинган маълумот	18	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	20	Жамиятимизда 40 гаякин доимий ишчилар хамда 20 дан ортик мавсумий малакали ишчи ходимлар иш фаолиятини олиб боради. руйхат такдим этилади	15	Экспертная		

Критерий №2 курилиш пудрат миллий рейтинг тизимида мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: рейтинг дан кучирма

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
EL RAVNAQIGA HISSA XK	20	рейтинг дан кучирма	18	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	20	Жамиятимиз Курилиш пудрат миллий рейтинг тугрисида маълумот илова килинади	16	Экспертная		

Критерий №3 курилиш пудрат корхонасининг моддий техник базаси ва машина механизлари тугрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: тех паспорт шартнома кадастр в х к

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
EL RAVNAQIGA HISSA XK	20	тех паспорт шартнома кадастр в х к	18	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	20	жамиятимизда 15 га якин курилиш ва таъмирлашга мулжалланган махсус техника ва асбоб ускуналар мавжуд. Руйхат илова килинади	15	Экспертная		

Критерий №4 Курилиш пудрат ташкilotи иш малакаси ва охирги бажарган ишлари тугрисидаги далолатномалар

Тип: Текстовое значение

Описание: далолатнома ва гувоҳнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
EL RAVNAQIGA HISSA XK	20	далолатнома ва гувохнома	20	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	20	Бажарган ишлари тугрисида маълумот илова килинади	16	Экспертная		

Критерий №5 Солик ва бошка мажбурий туловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги

Тип: Текстовое значение

Описание: QR-кодди маълумотнома

Обязательность: Не критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
EL RAVNAQIGA HISSA XK	20	QR-кодди маълумотнома	18	Экспертная		
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	20	Жамиятимиз солик ва бошка мажбурий туловлардан қариздорлиги мавжуд эмас. маълумотнома илова килинади	16	Экспертная		

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
EL RAVNAQIGA HISSA XK	499 932 213.00	499 300 000.00 UZS	499 300 000.00	00.00	499 300 000.00	26.10.2022 11:33:00	9.95394
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	499 932 213.00	497 000 000.00 UZS	497 000 000.00	00.00	497 000 000.00	26.10.2022 14:29:55	10

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
EL RAVNAQIGA HISSA XK	82.8	9.95394	92.75394
ERK CAPITAL LUXE MCHJ	70.2	10	80.2

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 167092 от 27.10.2022 года на приобретение Сирдарё-Зарафшон ИТХБ биносини жорий таъмирлаш определила победителем:

EL RAVNAQIGA HISSA XK  
304514353



и резервный исполнитель: ERK CAPITAL LUXE MCHJ (306231451)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
<b>Председатель комиссии</b>	SUYAROV UMIDJON MAXMUD O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	MIRTOZAYEV SHOXRUXBEK BOTIR O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	JURAYEV SARDOR SANAQUL O'G'LI	Согласен	
<b>Член комиссии</b>	RAXIMOV SHOXRUX NURIDDIN O'G'LI	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП